Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 20 ноябрь, жума №229 (21.327).

ФАРҒОНАЛИК ПАХТАКОРЛАРГА ОФАРИН!

Ислом КАРИМОВ:

Бу бебаҳо ғалабанинг замирида мен Фарғона халқининг пешона тери ва қадоқ қўлини кўриб турибман. Ота-боболаримиздан қолган буюк мерос—она тупроққа эзгу муносабатда бўлиш, меҳнатнинг кўзини билиб иш тутиш—сизларга хос хусусиятдир. Бағри кенглик, саҳоватпешалик, ҳар бир оилада тинчлик ва осойишталикни қадрлаш—халқимизнинг буюк фазилатларидан биридир...

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИГА, МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Фарғона деҳқонларининг катта меҳнат ғалабаси билан вилоят меҳнат аҳлини чин дилдан қутлайман. Ғалабангиз муборак бўлсин! Мустақил Ўзбекистонимиз хазинаси сизнинг жасоратли меҳнатингиз эвазига янада салмоқли бўлди.

Вилоят пахтакорлари Фарғона водийсида қадим-қадимдан кенг қанот ёзган деҳқончилик мактабининг муносиб ворислари, ер илмининг нақадар билимдони ва тадбиркор усталари эканликларини бу йилги мислсиз қийин келган об ҳаво шароитларида ҳам яна бир бор намойиш эта олдилар. Авваламбор, бу бебаҳо ғалабанинг замирида мен Фарғона халқининг пешона тери ва қадоқ қўлини кўриб турибман. Ота-боболаримиздан қолган буюк мерос — она тупроққа эзгу муносабатда бўлиш, меҳнатнинг кўзини билиб иш тутиш — сизларга хос хусусиятдир. Бағри кенглик, саҳоватпешалик, ҳар бир оилада тинчлик ва осойишталикни қадрлаш — халқимизнинг буюк фазилатларидан биридир.

Мустақиллик довонидаги улкан меҳнат ғалабаси билан сизларни яна бир бор табриклайман. Сизларга эзгу орзу ва истаклар тилаб қоламан.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикасининг Президенти.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 18 ноябрь.



Боғдод районидаги Охунбобрев номли жамоа хўжалигида йиғим-терим ишлари қизғин боряпти. Териб олинган ҳосилни пешма-пеш қабул пунктларига етказишда механизатор Собиржон Солиев жонбозлик кўрсатмоқда. Собиржон ўтган йили ўз машинаси билан 270 тонна пахта терганди. Бу йил эса ўйлаган орзуси ушалмади. Пахта кечки бўлиб қолганлиги туфайли ҳосилни кўпроқ қўл кучи ёрдамида йиғиштириб олишга мажбур бўлинди. Шу боис Собиржон эндиликда «оқ олтин»ни тайёрлов пунктларига исроф қилмасдан етказиб беришда жонбозлик кўрсатмоқда.

Суратда: механизатор Собиржон Солиев.
К. ЮСУПОВ олган сурат.

ҚИЙИН ЙИЛНИНГ МЎЛ ҲОСИЛИ

Мирзажон ИСЛОМОВ, Фарғона вилояти ҳокими.

Фарғона вилоятининг аҳдига вафодор пахтакорлари йил бошида берган ваъдалари устидан чиқдилар — пахта тайёрлаш режаси бажарилди. Она-Ватан миришкор пахтакорлар юрти бўлган Фарғонадан 404 минг тоннадан ортиқ истиқлолимизни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган хом ашёни қабул қилиб олди. Ҳар гектар ердан олинган ўртача ҳосил 29 центнерни ташкил этди. Етиштирилган ҳосилнинг 90 фоизи биринчи навларга баҳоланди.

Албатта, бу меҳнат ғалабаси осонликча қўлга киритилмади. Баҳорнинг серёғин келиши, ёзда ҳароратнинг паст бўлганлиги пахтакорларимизнинг бир ғайратига икки ғайрат қўшиб ишлашини тақозо этди. Шуни айтиш керакки, жами экин майдонларининг учдан бир қисмига қайта-қайта чигит экилди. Аммо қийинчиликлар деҳқонларимизнинг тажрибаси, ирода ва матонат кучи қаршисида чекинди.

Фарғоналикларнинг бу ғалабага эришиш йўлидаги курашида биз учун ғоят қадрдон бўлган Президентимиз И. А. Каримовнинг ғамхўрлигини ҳар қадамда сезиб, ҳис қилиб турибмиз. У кишининг вилоятимизда бўлиб, берган қимматли маслаҳатлари, амалий кўмаги мўл ҳосил етиштириш, мустақиллик хирмонини барпо этишда катта омил ва мадад бўлди. Президентимизнинг пахта харид нархини 1,5 баравар ошириш тўғрисидаги Фармонини деҳқонлар зўр мамнуният билан кутиб олишди.

Фақат мана шу ҳисобдан вилоятимиз хўжаликлари хазинасига 3,5 миллиард сўмдан ортиқча қўшимча пул тушади. Қишлоқ хўжалигига алоқадор корхоналар, хўжаликларнинг 30 фоизини даромад солиғидан озод қилиш тўғрисидаги Фармон ҳам оғиримизни енгил қилди. Шу Фармон туфайли 3 миллиард сўм маблағ қишлоқ меҳнаткашларининг турмушини яхшилашга, янги объектлар бунёд этишга, йўл ва кўприклар қуришга, газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга хизмат қилади.

Республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги байрам қилиниши, ўзбек халқининг буюк фарзанди, давлат арбоби, таниқли адиб Ш. Рашидовнинг 75 йиллик юбилейи ўтказилиши халқимизнинг қадриятларини тиклаш, ёш давлатимизнинг халқаро обрў-эътиборини кучайтиришга хизмат қилди.

Деҳқончилик, умуман қишлоқ хўжалиги учун қийин келган ушбу йилда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни муаммолари кам эмас. Нархнаво ортиб бораётганлиги ҳам ҳар биримизни ўйлантириб қўймоқда. Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг қийинчиликларни бартараф этиш йўлида олиб бораётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни халқимиз тўғри тушуниб, қизғин қўллаб-қувватламоқда.

Мана шу тинчлик сиёсати иқтисодий ютуқларимизга омил бўлмоқда. Йиллик маррани вилоятда биринчи бўлиб эгаллаган қувалик пахтакорлар меҳнати таҳсинга сазовор. Ўзбекистон, Данғара, Учкўприк, Бешариқ, Фурқат, Бувайда, Боғдод районларининг пахтакорлари ҳам қийинчиликлар олдида довдираб қолмай, марра сари дадил интилиб, довонни ғолиблар сафида эгаллашди. Қува районидаги «Гулистон», «Боғдод» районидаги «Туркистон», Фарғона районидаги Бобур номли, Учкўприк районидаги М. Деҳқонов номли жамоа хўжаликлари, Фурқат районидаги Фурқат номли, Данғара районидаги «Сирдарё», Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» давлат хўжаликларида ҳосилдорлик 35-40 центнерданни ташкил этди.

Ўртоқ И. А. Каримов «Нефть, кўмир ва бошқа қазилма бойликлар вақти келиб тугар, лекин ўзбекдек танти, мард, кенг саҳоватли деҳқонлар бор экан, пахтамиз асло тугамайди», деган эдилар. Бу ҳаётий гаплар мазмунида теран маъно бор. Зеро пахта бизнинг энг олий бойлигимиз. Мана шуни тушунган рапқонлик Х. Ўсаров, данғаралик Х. Бойназаров, учкўприклик М. Қўлдошев, қувалик М. Муҳаммадқулов каби тажрибали пахтакорлар, Б. Абдураҳмонов, А. Бекмирзаев, А. Тожибоев, О. Юсупов, Ё. Мирзаев сингари «зангори кема» дарғалари, А. Абдуллаева, М. Саримсоқова, Ҳ. Деҳқонова, М. Муталова сингари теримчилар ушбу қийин йилнинг баланд хирмонини барпо этиш учун катта куч-ғайрат билан ишладилар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликларни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Бу қийинчиликларнинг вақтинча эканлигини тушунамиз. Секин-аста ижобий силжишлар ҳам рўй бермоқда. Энг муҳими, юртимиз тинч, осойишта, устимиз бут, қорнимиз тўқ фарзандларимиз бағримизда. Республика раҳбариятининг юртимиз осойишталигини сақлаш, тинчликни барқарор қилиш учун кечаю-кундуз куч-ғайрат сарфлаётганини билиб-сезиб турибмиз. Иқтисодий қийинчиликлар тез орада бартараф бўлишига шак-шубҳа йўқ. Зеро, энди нондек азиз пахтамизга бировлар эгалик қилолмайди.

Йиллик марра эгалланди. Аммо далаларимизда йиғим-терим давом этмоқда. Биз жонажон Ўзбекистонимизнинг улкан хирмонига режага қўшимча яна 10 минг тонна пахта етказиб беришни мўлжаллаб қўйдик.

ИЖАРА—КОНИ ФОЙДА

Асли касбим агроном. Қишлоқ кенгашига раис бўлганимдан бери дала ҳавосини, эрталабки пахтазор завқини соғиниб қолган эканман. Шу йил баҳорда оила аъзоларим билан маслаҳатлашиб, «Коммуна» жамоа хўжалигидан 4 гектар ерни ижарага олдик. Оила аъзоларим Шарифахон, Сабохон, Саноатхонлар билан эрта баҳордан ишни бошлаб юбордик. Аммо биз бўшашмадик. Ерга минерал ўғит билан бирга маҳаллий ўғитни кўп миқдорда солдик. Қилинган меҳнат зое кетмади. Ҳозиргача ҳар гектар майдондан 38 центнердан ҳосил олдик. Ҳали даламизда ҳосил мўл. Гектаридан 45 центнер оладиган даражада пахта бор.

Ер ижарага олиндими, демак, деҳқон мўмай даромадни кўзлайди. Режа бажарилган куни ҳисоб-китоб қилсак, даромадимиз 225 минг сўмни ташкил этди.

Эркинжон АКБАРОВ,
Бувайда районидаги Янгиқўрғон қишлоқ Кенгашининг раиси.

АМАЛИЙ ЁНДАШУВ

ҲУКУМАТЛАР БОШЛИҚЛАРИ МАЖЛИСИНИНГ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

● Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳукумат бошлиқлари кенгашининг 13 ноябрь куни Москвада бўлиб ўтган мажлисида Ҳамдўстликка аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, илмий ва бошқа алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашувчи бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон делегациясига республика Бош вазири А. Муталов бошчилик қилди.

Муҳокамага қўйилган йиғирматача масала олдиндан мутахассислар гуруҳлари томонидан пухта ишлаб чиқилган, ташқи ишлар вазирларининг қўшма кенгашида муҳокама қилинган эди. Ҳукуматларнинг раҳбарлари Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Низомининг лойиҳасини, давлатлараро космос кенгаши ҳақидаги, жамоатчилик асосида ишлайдиган меҳнат, миграция, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кенгаши ва ҳоказоларни тузиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқишлари лозим эди. Иккита масала — қимматли қоғозларнинг давлатлараро бозорини тартибга солиш тўғрисидаги ва Ҳамдўстлик давлатлари ҳудудида сотиладиган моллар, бажариладиган ишлар ва хизматларни ҳисоб-китоб қилиш пайтида қўшилган қийматга солинадиган давлат солиғини келишиб ундириш ҳақидаги масалалар иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун муҳим эди.

Ҳар томонлама муҳокамадан кейин бир қанча ҳужжатлар имзоланди. Айни вақтда Ҳамдўстликнинг, давлатлараро телерадио компаниянинг низомлари лойиҳалари каби муҳим масалаларга келганда ҳукумат бошлиқлари уларни қўшимча равишда пухта ишлаб чиқиб, давлат бошлиқларининг мажлисига ҳавола этиш ҳақида қарорлар қабул қилдилар. Бу нарса уларни халқаро ҳуқуқий меъёрларга ва МДҲга аъзо давлатларнинг қонунларига мувофиқлаштириб олиш билан боғлиқдир. Ташқи ишлар ва Адлия вазирликларига ҳужжатларни шу нуқтаи назардан пухта ишлаб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон делегацияси кенгашда фаол ишлади. У қимматли қоғозларнинг давлатлараро бозорини тартибга солиш тўғрисидаги битим лойиҳаси юзасидан бир қанча таклифлар киритди, бошқа давлатларнинг делегациялари бу таклифларни қўллаб-қувватладилар. Қўшилган қийматдан олинадиган солиқни келишиб ундириш ҳақидаги ҳужжатга ҳам ғоят масъулият билан ёндашилди. Солиқлар ҳақидаги барча қонунлар парламентлар томонидан тасдиқланиши хусусидаги мулоҳазалар ўртага қўйилди. Шу сабабли Ўзбекистон ва бошқа давлатлар делегацияларининг таклифига биноан ҳукуматларнинг бошлиқларига бу масалани Олий Кенгашларнинг навбатдаги сессияларига киритишни тавсия этишга қарор қилинди. Ўзбекистон Республикасининг таклифи эътиборга олиниб, Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатларнинг рухсатномаларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги муҳим битим имзоланди.

Москвада Ўзбекистон делегацияси Россия Федерацияси билан учта битим — савдо-иқтисодий ҳамкорлик, савдо-сотиқ тартиби, давлатларнинг ҳудудларида савдо ваколатхоналарини тузиш тўғрисидаги битимларни биргаликда тайёрлаш ва имзолашда қатнашди.

В. ДРАЧЕВ,
(ЎзА мухбири).

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 19 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	0,11	103,86
Бухоро	0,16	102,73
Наманган	0,34	100,75
Фарғона	78,0	100,01
Андижон	0,48	98,50
Тошкент	0,65	92,13
Сурхондарё	0,03	91,22
Навоий	0,61	90,87
Сирдарё	0,69	89,28
Хоразм	0,56	86,71
Жиззах	0,61	84,47
Қорақалпоғистон Республикаси	0,65	84,03
Самарқанд	0,47	75,56
Республика бўйича	0,46	93.14
1991 йилдагиси	0.00	104,70

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ («ЎЗСУВҚУРИЛИШ») ДАВЛАТ КОНЦЕРНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларини рўёбга чиқариш шароитида республиканинг сув хўжалиги ташкилотларига қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг тижорат-тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш, қўйи таркибий бўлинмаларга кўпроқ мустақиллик бериш ва тармоқни бошқаришни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги қурилиши Давлат комитети тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги қурилиши Давлат комитети тизимидаги бирлашмалар, трестлар, корхоналар ва ташкилотларнинг мавжуд қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Сув хўжалиги қурилиши («Ўзсувқурилиш») Давлат концернини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзсувқурилиш» концерни Ўзбекистон Республикасининг тугатилган сув хўжалиги қурилиши Давлат комитетининг ҳуқуқий ворриси бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ҳамда концерннинг Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб олинган низомига амал қилади;

қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш масалалари ҳамда мелиорация, қишлоқ хўжалиги ва саноат-фуқаро иншоотларини қуриш юзасидан буюртмачи вазифалари «Ўзсувқурилиш» концернидан кимга тегишлилигига қараб Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига ўтказилади;

«Ўзсувқурилиш» концерни таркибига кирувчи бирлашмалар, трестлар, корхоналар ва ташкилотлар ўз хўжалик мустақиллигини ва юридик шахслар ҳуқуқларини сақлаб қоладилар, меҳнат жамоалари фикрини ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиб, ўз ваколатлари ва вазифаларининг бир қисмини, жумладан давлат топшириқларини бажариш, марказлаштирилган тарзда ажратиладиган молиявий, моддий-техникавий ресурслар ва капитал маблағларни олиш масалалари юзасидан бошқа вазирликлар ва идоралар билан ўзаро муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалашни ихтиёрий равишда «Ўзсувқурилиш» концернига топширади.

2. «Ўзсувқурилиш» Ўзбекистон давлат концерни фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари:

концерн таркибига кирувчи қурилиш, саноат корхоналарининг, илмий ва лойиҳа ташкилотлари ҳамда муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Орол ва Оролбўйи муаммоларига доир амалий тадбирларни амалга ошириш;

давлат, кооператив, фермер ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар ва корхоналарнинг буюртмаси асосида сув хўжалиги ва саноат-фуқаро қурилиши, йирик гидротехник иншоотлар ва сув оқизиладиган зовурлар барпо этиш;

бинокорлик буюмлари, конструкциялари ва материалларини, қурилиш техникасининг айрим турларини, машина ва ускуналарни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

қўриқ районлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ аҳолисини ичимли сув билан таъминлашга оид ишлар туркумини амалга ошириш, магистрал қувурлар ҳамда хўжалик—ичимли сув билан таъминлаш тизимларини қуриш ва такомиллаштириш;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи давлатларда ва чет элларда ўзаро фойдали ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, хорижий фирмалар билан биргаликда корхоналар ташкил этиш, сув хўжалиги ишлари ҳамда саноат-фуқаро қурилишини олиб бориш;

концернга кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, республика давлат бошқаруви идораларида ва чет элларда уларнинг умумий манфаатларини ифодалашдан иборат деб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида «Ўзсувқурилиш» концерни фаолиятини ташкил этиш масалаларига доир қарор қабул қилсин, унинг таркибини ва низомини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 18 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ғ. Б. ҲАСАНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ КОНЦЕРНИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ғулом Ботирович Ҳасанов Ўзбекистон давлат сув хўжалиги қурилиши концерни бошқарувининг раиси этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 19 ноябрь.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг мажлиси

18 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов раислигида Сиёсий ижроия қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда республикадаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг хусусиятлари ҳамда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва кенгашларининг ҳозирги кундаги долзарб вазифалари муҳокама қилинди. Партия ташкилотлари ва кенгашлари келгусидаги ўз фаолиятларининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш чоғида 1992 йилнинг иккинчи ярмида юзага келган ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Бу давр Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзолари ўртасида муайян жипслашув юз бераётган бўлсада, аммо энергия манбалари ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари нархлари муттасил оширилаётганлиги оқибатида пулнинг қадрсизланиб, МДҲ мамлакатларида турмушнинг қимматлашиб бораётгани билан белгиланади.

Бунинг натижасида республикамизда ҳам иқтисодий танглик чуқурлашмоқда. Аксарият корхоналар мураккаб вазиятда ишлаяпти, моддий-техника ресурслари етказиб берилишида узилишлар бўлаётир. Шундай жиддий қийинчиликларга қарамай, бирорта корхона тўхтаб қолгани йўқ. Ўзбекистонда вазият бошқа минтақаларга нисбатан анча барқарор.

Сиёсий ижроия қўмита мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини сақлаб қолиш, республика раҳбариятининг аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга доир изчил қадамларини қўллаб-қувватлаш учун ХДП ташкилотлари ва барча даражадаги кенгашлари бундан буён ҳам бор кучғайратларини аямасликлари лозимлигини алоҳида таъкидлади. Партия фаоллари нархнаво кўп жиҳатдан Ўзбекистонга боғлиқ бўлмаган тарзда, мажбуран оширилаётганини, Президент ва ҳукумат бунинг халқ турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатишга, кишиларни ижтимоий ҳимоялаш чоратадбирларини олдиндан кўришга ҳаракат қилаётганлигини, асосий юк давлат бюджети ҳиссасига тушаётганлигини аҳолига тушунтиришлари зарур.

Партия ташкилотлари аҳолининг меъёрий турмуш даражасини сақлаб қолишга қаратилган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан маҳаллий ҳокимият органлари билан амалий ҳамкорлик қилиш, кишиларга бевосита ижтимоий кўмак бериш йўлини муттасил излашлари кераклиги қайд этилди.

Марказий Кенгаш Сиёсий Ижроқўми республика партия ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокамасини уюштириш тўғрисида ўзи илгари қабул қилган қарорининг бажарилишини ҳам кўриб чиқди. Барча партия ташкилотлари учун ҳозирги вақтда муҳокама қилинаётган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси бўйича партиянинг аниқ нуқтаи-назарини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги, партия кенгашларининг лойиҳа муҳокамасига бағишланган пленумлари пухта ўтказилиши ва уларда умумий якунлар чиқарилиши лозимлигини уқтириб ўтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раҳбариятининг республика халқ таълими ходимлари билан учрашуви якунлари, Марказий Кенгаш қошида партия раҳбар кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини ташкил этиш масаласини ўрганиш ҳамда партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар кўрилди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

КЕЛАЖАГИМИЗГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят, шаҳар ва район кенгашлари Конституция лойиҳасининг омма ўртасида атрофлича муҳокама қилинишини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда.

Ана шу мақсадда вилоят партия кенгаши ташаббуси билан олимлардан иборат тузилган махсус гуруҳ Қонун лойиҳаси юзасидан жойларда тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Улар билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириб, Ўзбекистон Олий Кенгаши Конституция лойиҳаси комиссиясига юборишда ҳам бош-қош бўлмоқдалар.

Мен ҳам Конституция лойиҳаси юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Лойиҳанинг 23-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахслар... белгиланган бурчларини адо этадилар «жумласини»... адо этишга мажбурдирлар» деб тузатилишини таклиф қиламан. Чунки Республикамиз ҳудудида яшаётган ёки вақтинча турган чет эл фуқароси бизнинг қонунимизни ҳурмат қилиши ва унга амал қилиши лозим, шунда у халқимизни, миллатимизни ҳурмат қилган бўлади.

Менимча, 20-моддадаги «Ҳеч бир диний ташкилотнинг» жумласидан кейин «ёки диний гуруҳларнинг» деган сўзларни ҳам қўшиб қўйиш лозим. Негаки ҳозирги пайтда диний ташкилотлардан кўра диний гуруҳлар кўпроқ ташкил топиб, фаолият кўрсатмоқдалар.

39-моддада «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» дейилган. Бу жумла «Ҳар бир Ўзбекистон фуқароси малакали тиббий хизматдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга» деб ўзгартирилса мақсадга мувофиқ бўларди. 40-моддага эса «Фуқароларнинг бепул олий таълим олиши кафолатланади» деб қўшиб қўйилиши лозим.

Шунингдек, 13-бобни «Жамоат бирлашмалари» эмас, балки «Сиёсий партиялар ва жамоат уюшмалари» деб ўзгартирилса тўғрироқ бўларди. Чунки, турли-туман манфаатларни қондириш йўлида ташкил этиладиган уюшмалар ҳам хилма-хил бўлиб, улар орасида бевосита сиёсат билан шуғулланадиганларининг энг олий шакли — партиялар эканлиги сир эмас. Шу боис бу ҳол лойиҳада ҳам ўзининг тегишли ўрнини топиши лозим, деб ўйлайман.

Шу бобга мустақил республикамиз тараққиёти ҳамда оқилона амалга ошираётган сиёсатига қарши пиҳона кураш олиб бораётган давлатлар ёмон ниятларининг амалга оширишларига замин яратиш имкони бўлмаслиги учун «Республикада тузилган уюшма ва партияларни хорижий давлатлар назоратида бўлиши ҳамда молиявий ёрдам олиши тақиқланади» мазмунидаги жумларни киритиш лозим. Чунки партиялар тарихидан бизга аёнки, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш сиёсий вазиятнинг ўзгариб кетишида муҳим ўрин тутади.

57-моддага, партияларга давлат ҳокимиятини тузиш учун демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакилларини, ўз партияси ҳаракат Дастурига хилоф иш юритган тақдирда, чақириб олиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги жумлани киритиш лозим.

58-моддада эса диний бирлашмаларга алоҳида эътибор берилган бўлиб, динлар ва диний бирлашмалар давлатдан ажратилганлиги, уларнинг қонун олдида тенглиги кўрсатилган. Давлатни диний бирлашмалар иш фаолиятига аралашмаслиги аниқ белгиланган, аммо диний бирлашмаларнинг давлат ишига муносабати кўрсатилмаган. Шу боис аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

90-моддадаги «Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда сиёсий партияга аъзолигини тўхтатиб туради» дейилган фикр жаҳондаги кўпчилик давлатлар конституцияси тажрибасида йўқ. Қолаверса, у ёки бу партия ўз номзодини президентликка тавсия этиб, уни қўллаб-қувватлайди, ўша номзоди учун курашади. Президент сайланиб бўлгач, унинг номзоди учун курашган партиядан чиқиб туриши мантиққа тўғри келмайди. Шу боис Конституция лойиҳасидан 90-модданинг биринчи абзацини умуман олиб ташлаш керак.

Б. АҲАДОВ,
Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг биринчи котиби.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Жарқўрғон ипйигирув тўқув фабрикаси вилоятдаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Ҳозир бу ерда мингдан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади.

— Фабрикамиз жамоаси бу йил 1684 тонна калава ип йигиради ва 13 миллион 627 минг метр хом сурп ишлаб чиқаради, — дейди корхона режалаштириш-иқтисод бўлими бошлиғи У. Ҳайдаров. — Бироқ қатор цехларимиз ҳали тўла қувват билан ишламаяпти. Яқин вақт ичида замонавий дастгоҳлар ўрнатилгач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга муваффақ бўламиз.

Эндиликда жарқўрғонлик тўқимачилар тайёрлаётган маҳсулотлар Марғилон, Яккабоғ, Бухородаги тўқув корхоналарига юборилмоқда. Корхона аҳли келгусида хориж фирмаларидан бири билан қўшма корхона очиш ниятида.

Суратда: тайёрлов цехининг илғор ишчиси Насиба Ражабова.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

ОЛИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

19 ноябрь куни Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев республикамизга расмий ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг аъзоси, ХХР ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ш. Йўлдошев мамлакатимиз билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро алоқалар барқарор ривожланиб бораётганидан мамнун эканини билдирди.

Олий Кенгаш Раиси Ўзбекистон парламентининг фаолияти, барқарорлик ва фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида сўзлади.

ХХР ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнь икки мамлакат парламентларининг ҳамкорлиги давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаради, деб таъкидлади.

Суҳбатда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов, ХХРнинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэньгуан ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

(ЎзА).

• Акс садо •

АЛАМЗАДАЛИК

«ЁШЛАРНИ ҚАЙСИ ЙЎЛГА БОШЛАМОҚЧИСИЗ, ЖАНОБЛАР?» ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 1992 ЙИЛ, 14 ОКТЯБРЬ

Таниқли ҳуқуқшунос олим А. Аъзамхўжаевнинг мақоласини қизиқиш, айни чоғда ташвиш-изтироб билан ўқиб чиқдик. Чиндан ҳам, ёшлар — умидимиз, келажагимиз, уларнинг тарбияси, ахлоқ-одоби, танлаган йўлига ҳаммамиз дахлдормиз, масъулмиз. «Болани ниҳолга ўхшатишади. Уни қаёққа қараб эгсанг, ўша ёққа эгилади. Шу сабабли ниҳол парвариши ҳамма вақт зийракликни, тадбиркорликни, донолик ва ҳаёт тажрибасини талаб қилади», деб ёзади олим ва фикрига бир қанча далил, асослар келтиради. Ниҳолни маълум муддат бетайин эсган шамол ҳам эгиб туриши мумкин. «Бирлик»нинг айрим «саркор»лари ўз мақсадларини амалга оширишда ёшларга, ҳали суяги қотмаган, дунёқараши шаклланиб улгурмаган, қизиққон талабаларнинг фаоллашувига кўз тикаётганига айрим мисоллар келтириб, «Ёшларни асосий вазифадан чалғитманг! Уларни йўлдан урманг! Ёшларни сиёсий ўйинларга тортманг!», дея хитоб қилади. Бу айни барча ўқув юртлари домлалари дилидаги гап. Ёшларнинг ўз ақли, фаросати бор. Улар ҳадеб қўлини бигиз қилиб кўрсатиб, у йўлдан юр, уни қил, бунақа де, митингга, намойишга чиқ, дея панадан туриб ақл ўргатганларни ёқтирмайди, юраги буюрган ишни қилади.

Дарсхоналарда илм олиб, кутубхоналарда билимини ошираётган, Шарқ ва Ғарб тилларини чуқур ўрганаётган, ўзини хорижга бориб ўқишга, яхши мутахассис бўлиб етишишга интилаётган ақлли, интизомли, мулоҳазали ёшлар биров томдан ташла деса ташлашга ҳеч қачон юрмайдилар. Талабалар шаҳарчасида январь ойида бўлиб ўтган воқеалар кўпчиликнинг кўзини очди. Икки азамат йигит ҳаётдан кўз юмди. Бир неча ёш калтакланди. Ота-оналарнинг тинчи бузилди. Қутқу берганлар секингина ўзларини четга олишди. Балога қолганлар талабаю домлалар бўлди. Ҳозирги тиришқоқ, босиқ, илмга чанқоқ талабаларга ҳавасимиз келади. Улар истиқлолимиз, истиқболимиз учун қайғуришяпти. Қийинчилик, қийматчилик бўлиб турган бир пайтда Президентимиз, ҳукуматимиз ёшларнинг ўқиши, яшаши учун имкони борича шароит яратиб беришаётганини билиб, ҳис қилиб туришибди.

Назаримда, талабаларнинг «Бирлик» саркорларининг (айтганларимиз халқ ҳаракатларининг ҳаммасига эмас, йўлбошчилик, амал, лавозим талаб қилаётган бир қисмигагина тегишлидир) варақаларга учмаётгани, йўриғига юрмаётгани уларни безовта қилаётган, асабийлаштираётган кўринади. Катта бир университетнинг таниқли олим, мураббийларидан иборат Илмий кенгашга бир чизиқ тортиб, ишончсизлик билдириш, пичинг, кесатиқларни ишга солиш, инсон қадр-қимматини ерга урувчи сўз ўйинлари қилиш учун жиндек инсоф, шарқона андиша ҳам керак. Узоқ-яқин республикларда нотинчлик хунрезликлар юз бериб, халқ бесаранжом бўлиб турганда жумҳуриятимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сураётганига шукур қилайлик. Бунга ҳаммамиз бош қўшайлик. Ёшларни қўзғаб, тартибсизликларга чорлаб, лойқа сувда балиқ ушламоқчи бўлганларга йўл бермайлик.

Т. СИРЛИБОЕВ,
Тошкент давлат университетининг кимё факультети декани, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маориф ходими.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

БОЗОР ПОЛВОН СИРЛИ ОДАММИ?

Гагарин районидаги А. Набиев номли давлат хўжалиги бригада бошлиғи Бозор полвон Норалиев шу йил 6 август куни қирқ дақиқача сув остида қолиб кетди ва яратганга бир айтгани бор эканми, 12 фарзандининг бахтига омон қолди.

У эрталаб далага келса, Занг ариғидан қувур орқали пайкалга ўтаётган сув кўпайиб кетибди.

— Ҳой, Боҳодиржон, сувни озайтиринглар, — деб қичқирди.

Эгатларни қараб юрган ўғли Баҳодир, куёви Гулмурод ва Қурбон боболар келишиб, қувурнинг қопқоғини пасайтиришгандай бўлди. Сўнгра ҳар қайсиси яна ўз иши билан кетди.

Бозор полвон яна сувга қаради. Сув кўп оқаяпти, деган хаёлга борди. Ечиниб, сувга кирди. Ариқ тўлиб оқаётганди. Полвон шўнғиди. Қўли билан пайпаслаб қувурнинг қопқоғини топди. Қопқоқ оғир темирдан ясалганди. Пайкалга оқаётган сувни камайтирмоқ учун қопқоқнинг тагига қўйилган тошни майдароғига алмаштириб қўймоқ лозим эди. Полвон қўли қопқоққа текканини билади, унинг тагидаги тош силжиб, қопқоқ сирғалиб шарқ этганча пастга тушиб кетди. Унинг чап қўли кафтининг юқорироқ қисмидан қувур билан қопқоқнинг орасида қолиб кетди. Жон ҳолатда қопқоқни ўнг қўли билан юқорига кўтармоқчи бўлди. Кўтара олмади. Шундан сўнг ўнг қўлини қувурга тираганча чап қўлини тортиб олмоқчи бўлди. Қўлини ўтмас темир кесгандай бўлди. Тишини тишига қўйиб, қўлини тортаверди. Қани энди, шу топда ўткир пичоқ билан қўлини шартта кесиб ташласа-ю сувнинг юзасига чиқса. Полвон охирги қувватини жамлаб қўлини тортиб олмоқчи бўлди. Ҳолдан тойди. Ўлдим энди, деб ўйлади. Ҳушини йўқотди...

Ўша куни қулоқбошида Қурбон бобо бригадир билан саломлашган бўлиб, шийпон томонга юрди ва бир мунча вақт ўтгач не ҳаёл билан яна ариқнинг бўйига чиқиб келди. Қарасаки бригадирнинг пойабзали-ю кўйлаги ариқнинг бўйида ётипти. Бригадир... йўқ. Чор тарафга қаради, кутди, ниҳоят чақирди — йўқ. Ҳой, Баҳодир, отанг қаёққа юрди, деб бақирди. Баҳодир, кўрмадим, деди. Кўрмаган бўлсанг, чоп, ҳой. Гулмурод, сен ҳам чоп, тез-тез келинглар, деди.

Улар келишди. Бригадирни сув оқизган деган тахмин билан ариқнинг соҳили бўйлаб чопишди. Бригадир йўқ.

— Ҳа, болам-а, қувурни кўр қани, — деди Қурбон бобо.

Баҳодир сувга шўнғиди ва рангида ранг қолмай сувни шалоплатиб юзага чиқди.

— Отам... — деди ва яна шўнғиди. Гулмурод ҳам сувга сакради. Иккалалари Бозор полвонни сувнинг юзасига тортишди. Кучлари етмади. Баҳодир отасининг қисилиб қолган қўлини топди. Қопқоқни кўтариб, қўлни озод қилди. Уни соҳилга олиб чиқдилар.

— Сув ютгандир, оёқларини баландга қилинглар, — деди Қурбон бобо.

Гулмурод қараса, полвоннинг жағлари тилини маҳкам тишлаганича қотиб қолган. Юзи кўкара бошлаган. Гулмурод бригадирнинг жағини очди. Шу пайт у гўё ўкиргандай бўлиб нафас қайтарди. Полвонни дўхтирга олиб жўнадилар. Қон босими 300 га кўтарилган эди. Дўхтирлар қўрқиб кетди. Шу пайт бирон дуруст дори-дармон топилмагани ҳаммасидан ошиб тушди.

Бозор полвон йигирма кунча касалхонада ётди. Тузалди. Ишга чиқиб кетди.

Табиийки, Бозор полвон сувни камайтираман деб шўнғиганидан то уни юзага олиб чиққунларича қанча вақт ўтганини ҳеч ким соатига қараб ҳисоб-китоб қилган эмас. Лекин ўттиз беш-қирқ дақиқа ўтгани аниқ. Шунча вақт сув тагида ётиб, тирик қолганининг сиру синоатига ўзи ҳам ҳайрон. Биров сизни пиру фаришталар қўллаган дейди. Яна биров ўзингиз кўриб келган ўша нариги дунёдан гапиринг, — деб ҳазиллашади.

Полвон кулиб қўяди. Худога шукур, яратган эгам бандам десин, дейди. Шунга ўхшаш суҳбатларнинг устига тушиб қолса Қурбон бобо, «Худо сақласа, бало йўқ, сақланмаса, даво йўқ» деган гапини такрорлайди. Бир пайтлар у полвонлиги билан бошқалардан ажралиб турар эди. Олтмиш олтинчи йилдан буён қўриқда, етмиш тўртинчи йилдан бригадир. Тўқсон иккинчи йилнинг бошида 81 ёшга кирган отаси Норали бобо Бозор полвонни биринчи бор койигандай бўлди: «Болалигингиз тугади, болам. Арақпарақни йиғиштиринг-да, номоз ўқинг, деди. Полвон номоз ўқишни ўргана бошлади.

Одамлар уни «юраги отнинг калласидай Ботир одам» (юраги зўр бўлмаганда 300 босимга бардош берармиди), дейишади.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Пискент районидаги «Дўстлик» давлат хўжалигида бу йил об-ҳаво қийинчиликларига қарамай мўл ҳосил етиштирилди. Пахтакорлар эндиликда 2400 гектар ернинг ҳар гектаридан 27,8 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиш учун терим ишларини кучайтирмоқдалар. Ҳозир кексаю-ёш, ҳамма далада.

Суратда: ака-ука Мирзаевлар. Комилжон (чапда) 2-бригада заршуносларига етакчилик қилмоқда. Қўчқор эса машинада пахта теришда илғор.

А. МАЛЪЦЕВ олган сурат.

ЎЗИНГДА БОРИГА НЕ ЕТСИН

◆ Шу йилнинг ўзида Қизилтепа районида кўплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган консерва заводлари қуриб фойдаланишга топширилди.

Бунга мисол қилиб «Бўстон» давлат хўжалиги ҳамда Қосим Қобилов номли жамоа хўжалигидаги заводларни кўрсатиш мумкин. Заводлар ишга тушдию соҳибкор ва сабзавоткор дўконма-дўкон, бозорма-бозор сарсон бўлишдан, маҳсулоти бузилиб зиён кўришдан қутилди. Шунга айтсалар керакда: «Ўзингда борига не етсин», деб? Яқингинада ишга тушган бўлсада Қ. Қобилов номли жамоа хўжалигидаги консерва заводида қарийб 150 тонна маҳсулот қайта ишланди. Йилига 3 миллион банка консерва тайёрлаш қувватига эга «бўлган мазкур заводда ҳозир илгари ишсиз юрган 50 га яқин ёшлар меҳнат қилишяпти. Қани энди, райондаги барча хўжаликларда ана шундай кони фойда ихчам заводлар қурилса?!

• СПОРТ •

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА МУСОБАҚАСИ ЯКУНЛАНДИ

Шу куни Яйпан тонгги тарোвати ўзгача бўлди. Одамлар тўй-томошалар жарчиси — карнай-сурнай навосидан уйғондилар. Шаҳар байрамона безатилган. Кеч куз бўлишига қарамай қуёш нурлари баҳор янглиғ ёйилди.

— Севимли газетамиз соврини учун мусобақалашгани шаҳримизга қадам ранжида қилган меҳмону спортчиларни мубораклаб этамиз, — деди Ўзбекистон район ҳокими ўринбосари М. Ҳакимова.

— Маълумки, Яйпан енгил атлетикачиларнинг севимли гўшасига айланган. Шаҳримиз кўчалари бўйлаб югурганлар орасидан халқаро миқёсдаги спортчилар камол топган. Бугунги мусобақада сизларга катта муваффақият ва омад тилаймان!

— Халқимизда олтин олма, дуо ол, — деган нақл бор, — деб сўз бошлади «Соҳибкор» ишлаб чиқариш ва тижорат фирмаси директори Абдухалил Эрназаров. — Отахон газета совринини учун республика мусобақасига ҳомийлик қилиб, бироз моддий ёрдам кўрсатишимиз фирмамиз жамоасига маъқул тушди.

— «Соҳибкор» фирмаси «Ўзбекистон овози» газетасига келаси йил учун обунани уюштиришда ҳам ҳомийлик қилмоқда, — дейди ХДП район кенгашининг биринчи котиби С. Раҳимов. — Фирма аъзоларининг барчаси газетага обуна бўлишган. Бундан ташқари, ўн бир киши бепул обуна қилинди. А. Маҳмудов бошлиқ район халқ таълими бўлими эса совриндорлик баҳсини ташкил этишда жонбозлик кўрсатган йигирма кишини «Ўзбекистон овози»га бепул обуна билан сийлади.

Мусобақани болалар боғчаларида тарбияланувчилар бошлаб беришди. Кичкинтой спортчиларнинг эллик метрга югуриши ҳаяжонли бўлди. Юздан ортиқ болакайлардан кейин мингга яқин мактаб ўқувчилари югуришга шайландилар.

Совриндорлик учун курашнинг бош ҳаками А. Нормуродовнинг ишораси билан ўсмир қизларнинг икки минг метрга югуриши бошланди. Бир йўла 15 нафар қиз мара сари интилди. Қизғин баҳсда ангренлик Юлия Лукина саккиз минут 22 секундли натижа билан ғалаба қозонди. Уч минг метрга югуришлар ҳам қизғин баҳсга айланди. Мусобақада йигирма бир киши қатнашди. Улар орасида тажрибали спортчилар ҳам бор эди. Маррага биринчи бўлиб етиб келган ангренлик Павел Белов билан яйпанлик Ойбек Асқаров ва данғаралик Озод Тешабоевларнинг ютуқлари томошабинлар эътиборини тортди. Қизларнинг шу масофага югуришида хонободлик Л. Холматова, яйпанлик А. Саидхўжаева ҳамда андижонлик И. Вагодиналар совриндор бўлишди.

Аёлларнинг 4 минг метрга югуриши ҳам мароқли ўтди. Бу масофада андижонлик И. Муродовага ҳеч ким бас келолмади. Ўсмирларнинг беш минг метрли масофа бўйлаб югуришида ўн саккиз нафар спортчи иштирок этди. Маррагача 19 минут 34 секунд вақт сарфлаган Александр Погорелов зафар қучди.

Саккиз километрга югурувчилар орасида бухоролик Тўлқин Ҳусаинов 27 минут 23 секундли натижа билан олқиш олди.

Соврин учун курашда жамоа ҳисобида андижонлик югурувчилар маҳорат кўрсатиб, бош совринни қўлга киритдилар. «Яйпан-1» жамоаси билан ангренликлар иккинчи ва учинчи совринли ўринларни эгаллашди. Мусобақада жами юздан ортиқ спортчи қатнашиб, саккиз жамоа ўзаро баҳслашишди. Ғолибларга «Ўзбекистон овози» газетасининг совринни, фахрий ёрлиқ ва дипломлари ҳамда эсдалик совғалари ҳам топширилди.



«Ўзбекистон овози» соврини учун ўтказилган мусобақада Андижон, Бухоро, Ангрен, Хонобод, Данғара ва яйпанлик йигит-қизлар иштирок этишди. Лекин, бир вақтлар ажойиб югуриш усталари етишган Наманган, Навоий, Сирдарё вилоятларининг жамоалари ҳамда тошкентлик спортчиларнинг Яйпанга келишмагани ачинарли бўлди. Хоразм, Қашқадарё ва сурхондарёликларга нима бўлди? Фарғоналикларнинг келишмаганлигини қандай тушуниш керак? Ўйлаймизки, мусобақага «томошабин»дек муносабатда бўлганларга Республика давлат спорт комитети мутасаддилари тегишлича муносабат билдирадилар.

Ҳайдар НОСИРОВ,
Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.



ТАНИШИНГ ҒОЛИБЛАР: (чапдан ўнгга) Юлия Лукина, Александр Погорелев, Людмила Холматова, Павел Белов, Гули Муродова, Тўлқин Ҳусаинов. Суратқаш Б. ОТАЖОНОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ

ВАЗИЯТ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

● Саудия Арабистони подшоси Фаҳд мамлакатга расмий ташриф билан келган Франция ташқи ишлар вазири Ролан Дюмани қабул қилди.

Франция ташқи ишлар вазири Форс кўрфази араб давлатларида сафарда бўлди. У Саудия Арабистонига ташрифидан олдин Катар, Қувайт ва Баҳриайн раҳбарияти билан музокаралар олиб борди. Музокаралар чоғида уруш тугаганидан сўнг Форс кўрфази давлатларида вужудга келган ижтимоий-сиёсий аҳвол муҳокама этилди.

КОРЕЯГА ТАШРИФ

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Корея Республикасида меҳмон бўлиб турибди.

Россия Президенти Сеулга Корея Президенти Ро Дэ У таклифига биноан келди.

Уч кунлик сафар чоғида қатор ҳужжатларни имзолаш кўзда тутилади. Россия Федерацияси ва Корея республикаси ўртасида асосий муносабатлар тўғрисидаги шартнома икки томонлама ҳамкорликни бундан буён яхшилаш ишига омил бағишлайди, деб умид билдирилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ БУШГА ТАКЛИФ

● Оқуйнинг ҳозирги эгаси Жорж Буш Флоридада тўрт кун дам олиб, ўз ишлари билан банд бўлди. Шу кунлар ичида президентлик сайловида ғолиб чиққан Билл Клинтон эса Вашингтонга келди.

«Ю. Эс. ньюс энт уолд рипорт» журнали маълумотларига кўра, Клинтон Буш билан суҳбатлашмоқчи ва мулоқот вақтида ажойиб дўстлик пойдеворини ўрнатиш ниятида экан. Клинтон Бушни ташқи сиёсат масалалари бўйича доимий маслаҳатчиси қилиб тайинлаш учун рухсат сўрамоқчи.

ҲАВО ШАРИДА ПАРВОЗ ЭТИШМОҚЧИ

● Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-майори Владимир Жонибеков шу кунларда Америка Қўшма Штатларида меҳмон бўлиб турибди. Бунинг боиси нимада?

В. Жонибеков америкалик Лэрри Нюмен ва Дональд Мозес билан ҳамкорликда ҳаво шарида она заминимизни айланиб чиқишга отланган.

Сайёҳлар парвозни Невада штатидан 24 ноябрь куни бошлашмоқчи. Ҳозир учиш аппаратининг асосий қисмига илмий ускуна-жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа зарур маҳсулотлар жойлаштирилмоқда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

ЯНГИ БОҒЧА ЭГАЛАРИГА МАНЗУР БЎЛАДИ

● АНДИЖОНДАГИ 162-қурилиш трести қурувчилари кичкинтойларга ажойиб совға тайёрлашди.

Асака шаҳридаги 10-механизациялашган кўчма колоннанинг Раҳмонжон Йўлдошев бошлиқ участка бинокорлари Бўстон мавзесида 280 ўринли икки қаватли болалар боғчаси биносини тайёр қилишди. Бу қурувчиларнинг республикамиз мустақиллигининг бир йиллигига муносиб туҳфасидир.

Бинонинг тез ва соз бунёд этилишида Маҳмуджон Исмоилов, Андрей Мирзасов, Ўлмасбой Нурматов сингари қурувчилар муносиб ҳисса қўшдилар.

Б. ЗОКИРЖОНОВ,
жамоатчи мухбир.

МУҲАММАД АЛИ ИЖОДХОНАСИДА

Сарҳисоб

Инсон ўз умрининг маълум манзилига борганда сарҳисоб этишга интилмоғи табиий бир нарса... Бу «маълум манзил» негадир эллик, олтмиш ва ҳокаво ёш билан белгиланади. Аслида, инсон йигирма беш, ўттиз, қирқ ёшларида ҳам шундай сарҳисоб қилмоғи керак. Чунки улар ҳам ҳазилакам манзиллар эмас...

Сарҳисоб, бу армон дегани. Амалга ошмай қолган режалар, қоғозга тушмай «учиб» кетган сўзлар, сатрлар, асарлар. Сарҳисоб этганингда уларнинг беҳисоб эканлигини кўрасан. Шулардан бири «Ўзбекистон ғамлари» деган ёзилмаган достон. Дардлар очиқ айтилиши керак эди унда, аммо ёзилмади... Чиқишига ишонч бўлмаганидан. Бу, шубҳасиз, айбимдир. Умуман, мен дардларимни шеърга чуқурроқ кўмишга тиришардим, яширишга уринардим. Баъзан шунчалар чуқур бўлиб кетар эдики, топиб бўлмай қоларди. Шунданмикин, рус таржимонларимдан бири, Спитомин ҳақидаги шеърларимнинг русча тагламаси билан таниша туриб, бундай деганди: «Билолмадим, сен нималар ҳақида ёзаётирсан, нималарга шама қилаётирсан. Ўзи сизларда қанақа ҳам дард бўлиши мумкин?! Мана, бизларда дард бор деса бўлади. Бу — яҳудийлар...» Ўшанда мен унга бундай жавоб қилгандим: «Бизнинг дардимиз эса — сизлар, биз сизларга қарши курашамиз!» Таржимон елка қисиб кўя қолганди. Яна армонлардан бири «Боқий дунё» шеърий романининг учинчи қисми. Агар ҳозир ёзилганда, бу қисм Қўқон мухториятига бағишланган бўлар эди, шубҳасиз...

Мен тарихимизни яхши кўраман. Яхши кўрмоқ, ҳамиша ҳам азобу уқубатлар билан боғлиқ. Бундай азоб-уқубатлар эса ҳамиша ширин. Ҳар бир халқнинг улуғлиги унинг жаҳон тарихига қўшган улуши билан белгиланади. Бу маънода, худога шукур, халқимизнинг жаҳон афкор оммаси олдида юзи ёруғдир. Чунки унинг улуғ тарихи бор. менинг ишим эса бу билан мақтанмоқ, ғурур ҳиссини туймоқдан иборат. Мен Бобораҳим Машраб ҳақида, Гўри Амирни бунёд этганлар тўғрисида, Дукчи Эшоннинг шижоатли қисмати борасида ёзганимда ана шундай ғурурдан кўнглим тоғдай ўсди. Оталар юрти, Спитомин, Муқанналар... Ва ниҳоят, истиқлол учун кураш олиб борган жасур сарбадорлар, соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг жаҳон тарихига қалдироқлар солиб кириб келган қутлуғ умри, ҳаётидан қалам тебратганимда мислсиз ғурурдан бошим осмонларга етгандай бўлди! Лекин бу фақат бир кишининг ғурури бўлиб қолмаслиги керак. у жаҳоний ғурурга айланиши зарур.

Сарҳисоб фақат армондан иборат эмас, балки чақиндай орзулар дегани ҳамдир. Шу важдан инсон сарҳисобга интилиб яшайди. Ахир инсоннинг умри бир дунё орзулардан иборат, орзуларнинг ҳисоб бериши эса ҳамиша лаззатлидир.

«Ўзбекистон овози» газетасида ижодкор саҳифаси берилаётгани — буюк иш. Бундан — биз шоиру носирлар беҳад мамнунмиз.



Амударё оқшоми

Қош қорайиб борар Амударёда...
Шафақда Етимтоғ маҳрур кўринар.
Юлдузлар чақнайди тиниқ самода,
Кўнглимга илоҳий нури урнинар...
Шафақда Етимтоғ маҳрур кўринар.

Нарги соҳилда порлайди чироқ,
Дарёга шуълалар сўқмоқ солади.
Майин мавж бош қўйса яйрайди қирғоқ,
Узоқ гувраниб шамол елади,
Дарёга шуълалар сўқмоқ солади.

Табиат ҳам ажиб сармаст шу асно,
Табиат бир ширин хаёлга ботар.
Қоқимда нурларга ўралган дарё,
Бетимсол гўзалдай, тўлғаниб ётар!
Табиат бир ширин хаёлга ботар...

Она ўзи

Бирнинг икки бўлсин нима ушласанг,
Йўлларинг оқ бўлсин тоғлар қорича.
Сен ёруғ дунёда тинч юрар бўлсанг,
Мен дуо қиларман умрим борича.

Кўзингда кўрмасам алам ранжини,
Бошингда кўрмасам тумонат савдо,
Олиб бермасанг ҳам олам ганжини,
Сендан онагинанг ризодир, ризо!

Ҳаётинг бемаъно туюлса, болам,
Қоронғи кўринса бу кўҳна дунё,
Кетсин деб қалбингдан ер юткур алам,
Ёришсин дунё, деб айларман дуо.

Юрагинг қисилса, такрору такрор,
Кенгликка чиққинда айтгин шўх ўлан.
Бу ҳам ҳасратинга келмаса бакор,
Кўнглингни бўшатгин шеър ёзмоқ билан.

Қадим эртакларни тинглаш создир хўп,
Олтин умрларни унда кўрарсан.
Сеҳрли ҳаётга маҳлиё бўлиб,
Бебош ўйларингни алдаб юрарсан.

Етишсанг, тўй берсанг юртга мабодо,
Жамшид ҳавас қилсин сенинг базмингга.
Номинг достон бўлиб юрсанг эл аро,
Мурод-мақсадингга етсанг, бас, менга.

Ёмонлар йўлини тутмагин минбаъд,
Фисқу фасодлардан нари бўл, тўхлим.
Олгину олдирма, униб-ўс, фақат
Тириклай гўримга киритма, ўғлим!

Ҳикматлар

Бағрингни элга оч, боринг кўр баҳам,
Бу қадим ҳикматга қулоқ бер, одам:
Қувончинг бўлишсанг—кўпаяр қувонч,
Ғамингни бўлишсанг—камаяди ғам...

* * *

Гапларнинг хили кўп: дарак гап, деймиз,
Баъзан сўроқ гапдан ўйнайди асаб.
Ундов гапда шиддат ҳис қиламиз, ҳис...
Аммо қолганлари бари қуруқ гап!..

* * *

Дедилар: «Ёр кетди, қад букма ёйдай,
Кўнглингни бир жойга қўй, шундан фойда».
Оҳ, Кўнглим бир жойга қўяйин, десам.
Бир жой жойидамас... у ҳам бир жойда...

* * *

Ҳикмат бор: номусли ёзувчи халқи
Дунёга келади айтмоққа ҳақни!
Ҳақни айтолмаган, қийнаб қаламни,
Халқининг бошига ортгай аламни!..

* * *

Агар сир-асроримни душман билмасин, десанг,
Дўстингга ҳам айтмагин, оқилу доно эсанг!..

* * *

Елкамизга оёқ қўйишиб, яна:
«Елканг қаттиғ!» — дея қилурлар таъна!..

Қосидаси

(НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС)

Хаста дил эрдим, девона, оҳ, у дилжу келмади,
Ул чамандин ғойибона ёки хуш бў келмади,
Ёди бирла ёна-ёна тилга бир «ҳў» келмади,
Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.

Аҳли ишқнинг толеиму не жафо еткурса ёр,
Наки танда бор мадору наки дилда бир қатор,
Гоҳ турармен ўлтириб, дунё бўлиб кўзимга тор,
Лаҳза-лаҳза чиқдиму чекдим ўйлида интизор,
Келди жон оғзимғаю ул шўҳи бадхў келмади.

Гоҳ нурафшон, тийра гоҳи бир муаммодир ҳаёт,
Неча бор шарҳ айлабон қолсам, не тонг, минг бора мот,
Эмдиким не наф, ўзинг гар ерга ур, осмонга от!
Оразидек ойдин эрконда гар етти эҳтиёт,
Рўзғоримдек ҳам ўлғонда қоронғу, келмади.

Ул ситамкор сабридинким сўзладим хор, ҳокисор,
Ул жафокор жабрйдинким бўзладим мен, зор-зор.
Не ажаб дил қонмаса, ортиқ ўзимдан этмай ор,
Ул пириваш ҳажридинким йиғладим девонавор,
Кимса бормикум, анга кўрганда кулгу келмади.

Заъфарон эрсам вале сўлмам, ки сўлдурманг мени,
Бўлдиму қонимга ташна, қайта бўлдурманг мени,
Мен-ку ундан олмағум кўз, зиҳор олдурманг мени,
Кўзларингдан неча сув келгай деб ўлтурманг мени,
Ким бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади.

Севгида Тур тоғи бир ён, бир тараф чоҳи адам,
Олмашиб турғай наво, ҳар бир навода зеру бам,
Вах, унга ҳасрат—оно, ғурбат—ото, сингил—ситам,
Толиби содиқ топилмас, йўқсаким қўйди қадам,
Йўлғаким, аввал қадам маъшуқи ўтрў келмади.

Ул гули ҳумро келур, фармонига сунғил бўйин,
Эй, Али, дард созин ол, чалгин гирифторлик куйин,
Гар келурман дебди ёр, бас, сен шукур қилғил, суйин,
Эй, Навоий, бода бирла ҳуррам эт кўнглинг уйин,
Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.

Шеъри Навоий

Янги шеър сўрайверманг, қаердан олсин шоир,
Ёмби, инсон топилур, гарчи ҳар он топилмас,
Шеър, денгизнинг тубида жим ётгандек жавоҳир,
Сингиб ётар қалб ичра, ўз-ўзича қилмас сас.

Шоирдан шеър сўраманг, Сўранг аксинча бундоқ:
Халққа қараб аён эт, эй шоир, кимсан ўзинг!
Ризқу рўзингни берган қайси боғдир, қайси боғ!
Қаердан қанот олди, парвоз айлади сўзинг!

Оқилан саодат, кўзи тўла садоқат,
Моҳпораи назокат азиз умрингга ёрми!
Қушга макон керакдир, инсонга эмас фақат,
Уйингда кўмир борми, ёқмоққа газинг борми!

Шоирдан шеър сўраманг. Сўз очинг чол-кампирдан
Илҳақ бўлиб ўғлига интизордир йўлига.
Пахтакор қиз элликдан оларми қўрқ ердан!
Сув чиқарми айқириб қадим Қарши чўлига!

Энди бас. Уруғ сочган деҳқон каби тутинг кўз,
Қулоқ-қулоқ барг ёзар туйғуларнинг чечаги.
Кўпчиб, қаварчиқланиб тасвир учун излар сўз,
Ҳосилдор тупроқ мисол шоирнинг соф юраги.

Йироқдаги шамолга талпинган майсалардай,
Сизга тўкиб солади ғуруруни, меҳрини.
Интиқу зор кутилган нурли лаҳза келар-да,
Эшитарсиз шоирнинг насимдай пок шеъриниг...

● ВАТАН ҳақидаги ўйлар киши хаёлини узоқ-узоқларга олиб кетади. Ватан ҳақида хаёл суриш, унинг ғамида тунларни тунга улаш инсон боласига яратган томондан берилган буюк бир инъомдир. Шукурлар билан айтайликки, ўзбеклар, яъни қадимий турклар бундай бебаҳо инъомнинг қадрига ета оладиган халқлар сирасига киради. Ватан тушунчаси уларда яхлит тушунча, фавқулодда қудратга эга.

Бизнинг ватанимиз Турон, Туркистондир. Ота-боболаримиз азал-абад шу ерда яшаганлар, яшайдилар. Моваройнаҳр деган ном жуғрофий тушунчадир, у «дарёнинг нариги томони» деган маънони беради. Гап шундаки, араблар «Трансоксания» — бу эса энди юртимизга юнонлар қўйган ном — атамасини юқоридагидек, яъни «Моваройнаҳр» деб таржима қилганлар. Илмий таомилга кириб кетган бу тушунча жуғрофий тушунчадир ва уни мамлакатга нисбатан ишлатиш ноўриндир. Ахир «дарёнинг нариги томони» деган мамлакат бўлмайди-да.

Ватан нима дегани? Уни қандай тушуниш керак? Ватан—бу туғилиб ўсган жой, уй, юрт, маскан, манзил... Бир қарашда шундоқ. Аммо Ватан тушунчаси бағоят кенг ва терандир. Шу ерда бир муқоясага эҳтиёж туғилмоқда. Агар биз Ватанни уммонга қиёс этсак, бу уммонга оқиб келаётган бир неча тошқин наҳрлар борлиги аён бўлади қолади. Ана шу наҳрлар оқиб келиб бу уммонга умр бағишлайди, унинг кўркига кўрк қўшади, бошқача айтганда, уммонни уммон қиладиган ҳам ўша наҳрлардир.

БИРИНЧИСИ — бу, Макон. Тарихан ажратилган, худо берган макон. Бу соф жуғрофий тушунчадир, унинг бошланиши, охири бўлади, яъни сарҳадлари аниқ. Макон даҳлсиз, турфа хил иддаолардан холи бўлмоғи шарт. Афсуски, Туркистон жуда кўп хорижий иддаоларга нишон бўлди, маконнинг даҳлсизлиги шарти бузилди. Туркистон иддаолар ватанига айланди. Жуда кўп босқинчилар бу маконга кўз тикдилар; бу макон—жаннатий макон, фаровон ўлка, унга тикилган бегона кўзларнинг ўйнамай иложи йўқ. Эмишки, худои таоло барча миллатларга макон улашаётган эканлар. Бировига тоғлар тегибди, бировига боғлар, бировига чўллару, бировига денгиз... Худои таоло ҳамма миллатга ўзларига яраша қилиб, расамадини жойига келтириб макон тақсимлаб берибди. Ҳамма тарқаб кетган бир палла, кечикиб, шошилганча ўзбек бориб қолибди. «Сен қаерда эдинг? — дебди ҳайрон худои таоло. — Ҳамма маконларни тарқатиб бўлдим, энди қолмади-ку!», «Эй, парвардигор! — ёлворибди ўзбек. — Далада сўзамга сув қуяман, деб кеч қолиб кетдим... Бир бандангни қарамингдан дариғ тутма!». Худои таола ўйланиб қолибди. Бироздан кейин дебди: «Майли, бандам. кўнглингни чўктирма! Дунё ишларидан ҳориган пайтларимда ҳордиқ оларман. деб ўзимга мўлжаллаб қўйган бир ер бор эди... Начора, сен суйган бандаларимдансан, ўша чорбоғимни сенга бераман...». Шундай қилиб, ўша худонинг чорбоғи — Туркистон замини ўзбекка тегиб қолган, дейдилар. Бу макон даҳлсиз бўлиши шарт, ота-боболаримизнинг олиб борган курашлари ана шуни исботлаб турибди.

ИККИНЧИСИ — Миллат. Миллат, бу халқ ёки бўлмаса шу маконни тўлдириб яшаётган аҳоли эмас. Миллат — турмуш тарзи бир хил, бир тил атрофига уюшган, маданияти. урф-одатлари ягона, иқтисодий муносабатларни ўзида мужассам этган халқ борлиги. Ўтмиши-ю келажаги, тарихи-ю маданиятини ривожлантириш зарурлигини англаб етган, ўз-ўзини англаб олган халқнинг тарихий бирлиги. Лекин миллат ўз-ўзидан биз айтгандек шаклланган ҳолга кела қолмайди. Бунинг учун режалик ва теран тарбиявий ишлар олиб борилиши керак. Миллат тарбияси, бу ниҳоятда муҳим масала. Айниқса, миллатга меҳр қўйиш айб саналган, миллатчилик, миллатпарварлик қора тамға бўлиб ёпиштирилган шўролар даврида идрок кўзи хира тортди, тушунчалар ўтмаслашди. Бундай нохуш ҳолга чек қўйилмоғи лозим. Биз муттасил тарбия воситасида заҳарланган шуурларимизни поклаб олмас эканмиз, тўлақонли миллат даражасига етдик, дея олмаймиз. Ана ўшандагина биз бир инсондек тарихимиз билан ифтихор этамиз, эртанги кун ташвишида фарзандларимизга яхши билим бериш йўлларини қидирамиз, чинакам ҳур, эркин кишилар бўлиб етишишсин, деймиз. Бу мураккаб юмушдир, аммо чинакам миллат вакиллари учун одатий бурчлардан саналадир.

УЧИНЧИСИ — Тил. Маконда миллат яшайди, миллатни эса, бирлаштирадиган энг зўр восита тилдир. Тил ўзи моҳиятан зўр кучга эга бўлса ҳам. ҳимояга муҳтож, ғамхўрликни яхши кўрувчи бир нарса. Агар эътибор қилинмаса тилнинг оёқости бўлиб, нокерак «буюм»га айланишини кейинги етмиш йил давомида ўзбек тили мисолида кўриш мумкин. Ажабо, сал кам минг йил аввал у ҳақда «Девону луғотит турк» номли қомусий асар ёзилган бўлса-ю, кейинги етмиш йил ичида, яъни халқимиз «ҳуррият»га эришган даврда хор бўлиб, бозору деворлар ичи тилига айланиб қолса! «Девону луғотит турк» каби асар ёзилиши учун тилнинг бир неча минг йиллик тараққиёт жараёни зарур бўлади. Тил маълум даражада лисоний бойликларга эга бўлгандагина у ҳақда илмий-маърифий асарлар ёзилишига эҳтиёж пайдо бўлади, чунки, ҳаётда ҳар бир асар ёзилиши заруратдан келиб чиқади. Бобо тилимиз шу даражага етганлиги учуч буюк турк фуқароси Маҳмуд Қошғарий тилимиз шаён-шавкатини оламга кўз-кўз этмакка бел боғлади ва келажак авлодларнинг таҳсину офарингга сазовор бўлди. Бу бемисл шижоат намунаси, намуна эмас, балки, шижоатнинг айнан ўзидир. Етмиш йил ичида фақат ўзбек тилигина эмас, балки барча туркий тиллар ўзининг шаъншукуҳидан мосуво бўлди, алифбоси икки марта ўзгартирилди, натижада жуда кўп товушлар ўз ифодасидан айрилиб қолди, кераксиз товушларга, ҳарфларга ўрганмаган тилимиз буралиб, талаффузда мушкулликларга дуч кела бошлади. Мисол тариқасида бир товуш—«нг»—ҳақида фикр юритайлик. Бу товуш талаффузда бор бўлса ҳам, ёзувда ўз шаклига эга эмас. Эътибор беринг: «кўнгил» (қалб, юрак) сўзи ўша шаклга эга бўлмаганидан «кўнмоқ» фъелининг буйруқ шаклига ўхшаб қолган. «Сингил» сўзи «синмоқ» фъелининг буйруқ шаклидан ҳеч фарқи йўқ... Энди «инграмоқ». «синграмоқ», «сингмоқ» ва ҳоказо сўзлар ёзилишида ҳам ноаниқликларга чек қўйилиши керак.

ТЎРТИНЧИ наҳр — Тарих. Тарих Ватаннинг бўй-бастини кўрсата оладиган андоза, оламга бергисиз хазина. Тарих—бу, миллатнинг, халқнинг борлиғи. Бир лаҳза нима учун қўшни мамлакатларда — Хитойда, Ҳиндистонда, Россияда, Фарангистонда, Америкода, Гуржистонда тарихга муносабат биздагидан бошқача эканлигини ўйлаб кўрайлик. Уларда ҳамма нарса тарихни ўрганиш учун қаратилган, маблағу имконлар. илмий кучлар, олимлар... Ватан тарихига оид қўлёзмалар кўз қорачиғидек сақланади, ҳатто ўз тарихларига қолиб, умумтарихга оид нодир китобларни, қўлёзмаларни сарф-ҳаражатнинг юзига қарамай сотиб олишади. Она тарихимизга оид жуда кўп китобларимизнинг тарқалиб кетишларига сабаб ана шудир. Туркистоннинг олис даврларидан тортиб, ҳозирги давргача тарихи, давлатларимизнинг изма-из келиши, уларнинг ворислик алоқалари унутилмаган ҳолда ягона, яхлит тарихи яратилиши зарур. Лекин қачон яратилади?..

ЎЗ-ЎЗИДАН «Ватан» деган уммонга олиб борадиган **бешинчи наҳр — Маданият** деган фикрга келасан киши. Аммо, маданият алоҳида наҳр эмас, балки юқоридаги макон. миллат, тил ва тарихларнинг қўшилишидан пайдо бўладиган ижтимоий тушунча, бошқача айтганда, ўша тўрт тушунча даражаси ҳамолга етиб бир жойда жам бўлса, том маънодаги маданият юзага келади, ана шу маданиятнинг номи — Ватандир...

Мана шулардан келиб чиқиб бир савол қўйиш жоиз бўлади: Хўш, биз тўлақонли «Ватан» эгаси. мақомидамизми? Бунга «ҳа» десак, ўзимизни алдаган бўламиз, «йўқ» дейиш ҳам инсофсизликдир. Биз ҳақиқий Ватан соҳиби бўлиш йўлида эндигина қадам ташламоқдамиз. Йўл эса йироқ, йўл эса хайрлидир. Ватан учун куйиб-ёнганлардан буюк Алишер Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» номли изҳоридилида шундай сатрлар бор: «Сафар қилмаган ором фароғатин қайда билсун ва ғурбат чекмаган Ватанда ком рафоҳиятин не нав маълум қилсун». Биз Ватан ҳақида «ғурбат чекмоғимиз», яъни сидқидилдан қаттиқ меҳнат қилмоғимиз даркор. Шундагина Ҳазрат айтганларидай. орзуларимиз, тилакларимиз фаровон бўлиб рўёбга чиқади. Шундагина, маконнинг даҳлсиз, миллатнинг етук, тилнинг қурчу мустаҳкам, тарихимизнинг эса ягона, яхлитлигидан мақтаниб, жаҳонларга «маълум қила оламиз».

Чинор

Шарқона удум бу: қадаҳдан олдин
Нақл келтурурлар бўлсин деб ибрат.
Мен дўстлик қадаҳин қўлимга олдим,
Сўзлайман, тегибди менга ҳам навбат.
...Бир Чинор ўсарди Кашмир шаҳрида,
Подшо Аврангзебнинг севган чинори.
Давлат ишларини қўйиб нарида
Тез-тез бурар эди шу ён тулпорин.
Ногаҳон битта шайх кўнглини ёрди:
«Ҳеч ҳам тилим бормас сизга айтгани,
Балдан Кашмирда зўр масжид бор-ку!
Ибодат масканн, тоат масканн...
Ёниб кетмиш! Кечир, э парвардигор!..»
Подшо сапчиб турар ўрнидан шу он:
«Унинг ёндаги чинор-чи, чинор!
Чинорга не бўлди! Тез айланг баён!»
«Чинор бут! Чинорга ўт тушгани йўқ!»
«Ҳайрият!» дер подшо.
Ҳай-ё, бу калом
Аъёни салтанат, аъёни қутлуғ
Шайхларни ҳайратга солганди тамом!
Ибодат масканн бўлса-ю кул-кул,
Бу мудҳиш хабарга қилмасдан парво,
Қандайдир чинорни сўраб турса ул...
Шаҳаншоҳ динидан қайтдимикан ё!
Сўнгроқ сўрадилар бунн подшодан,
Подшо кулиб деди: «Аён кўрурман:
Ибодат масканн ёнса мабодо,
Сизга юзтасини тиклаб берурман.
Аммо, билинг, ёниб кетсами чинор...
Гарчи зўр подшоман, узундир дастим,
Гарчандки истасам, этсам ихтиёр.
Битта чинорни ҳам тиклай олмасдим!..»
Дўстлик!
Сен чинорсан, бўй-бастн улуғ,
Уса бер, бақувват, белинг толмасин!
Шундай чинор бўлки, зўр, заволи йўқ,
Истаса, подшо ҳам тиклай олмасин!

Қизил гул

Катта онлада вояга етдим,
Пасту баландни ҳам кўрдим ростмана.
Мен ота-онамнинг тўнғичи эдим,
Уйдан йироқларда юрибман мана.

Мен она қишлоқда юрсайдим агар,
Далада бўлардим план тўлгунча.
Ҳар кун кеч ётардим, турардим саҳар,
Токи укаларим одам бўлгунча.

Шиддатли ва бетин — меҳнат қучоғи!
Елиб-югурардим, ҳориб-толардим.
Иш аро лаҳза вақт топганим чоғи,
Ариқлар бўйида мизғиб олардим...

Ниҳол ўтқазардим боғ ичра нуқул,
Боғим ҳам бўларди оламшумул боғ.
Боғда, супа узра чўғдай қизил гул,
Бўй сочиб турарди яшнатиб димоғ.

Самимий ташвишлар ичра ғамларим
Найча ичидаги симоб янглиғ оз.
Ўқдай ўтар эди, хуллас дамларим,
Тин билмас шамолга келар эдим мос.

Ажаб!.. Мен йироқда юрибман энди,
Ўйимни банд этмиш бошқача олам.
Қошингда барчаси унут кўринди,
Эй, ҳаққи покиза, алифдай қалам!

Тортинмай, кўнглимни сенга ёрдим мен,
Топширдим изнингга руҳи имонни,
Қара-я, сеҳргар экансан-ку сен,
Кашф этдинг бутун бир Ўзбекистонни!

Шунда англаб етдим, нечун уй, қишлоқ
Унут бўлиб қолди, мен-чун дафъатан.
Битта тушунчалар саҳро-ю, гулбоғ,
Битта тушунчадир уй ила Ватан!

Ватан! Пок дилларнинг бўстонларида
Бир алвон чечаксан, битта Қизил гул!
Сен хазон билмассан, жон-жонларида
Парвариш этадир ҳар битта кўнгил!

Сира кўз олдимдан ўша гул кетмас,
Катта ёзмоқ ишқи кўймас мени тинч.
Қайдадир, қайдадир Шеър кезади маст...
Қайда ул Буюк шеър, парвосиз севинч?

Кўнгилга умидлар чўғини солиб
Гарчи йироқларда кездим мажнунвор.
Васф этайин дедим, келмадим ғолиб,
Катта ёзмоқ иши бўлди-ку душвор!

Ол-алвон қонлардан тонглар оқарди,
Сен ўша тонглардан олибсан сеҳр!
Сен шундай гўзал-ки, сенга боқар-да,
Тилим ўз-ўзидан боғланар ахир!

Менга нима эди ўзимни қийнаб,
Ўзни қийнамоқнинг ҳозир пайтими?...
Бурчлиман, фарзандман! Рост эрур бу гап,
Барн шу фарзандлик бурчнинг қайтими.

Шиддатли ва бетин меҳнат қучоғи!
Чизиб-ўчирарман, ҳориб толарман.
Иш аро лаҳза вақт топганим чоғи
Қаламга суянинб мизғиб оларман.

Гоҳ яхши ёзарман, гоҳ эса ёмон,
Тиним йўқ, ором йўқ шоирга унча.
Ҳолбуки қишлоқда юрсайдим бу он
Далада бўлардим план тўлгунча...

Ҳаёлинг ташвишин қўйгил, эй шоир,
Қувнайсан юзингни боққа бурганда,
Гапга ҳожат борми, қошингда ахир,
Ақиқдай Қизил гул яшнаб турганда?!

Бир бор учрасин

(УЙЛАНМАГАН ЙИГИТГА)

Умринг йўли ҳали теп-текис, равоя,
Тордир ўйларингга коинот, осмон.
Онаси ўпмаган қизлар бор, инон,
Илоё сенга бир дилдор учрасин!

Меҳрибон бўлсин у, бўлсин суюкли,
Дарди ҳижронингдан бағри куюкли,
Манглайида «Вафо» сўзи битикли,
Соғинчдан интизор дилдор учрасин.

Озроқ ниҳиқлигин кўнглингга олма,
Рашк этса, бу тўрга ўралиб қолма.
Билгил, сени севгай у бўйин толма,
Майлига, бир ширин озор учрасин.

Кўзингга термилиб олсин қувватлар,
Бир оғиз сўзингдан — олам журъатлар,
Шаҳду шижоатлар, барқдек сурьатлар,
Масиҳо нафасли нигор учрасин.

Сенга зўр ўғиллар айласин инъом,
Мўътабар наслингни этдирсин давом.
Мангу, мангу қолсин ўзбек деган ном!
Учрасин, хазонсиз баҳор учрасин!

Ёнингда ёр бўлиб юрганда ҳамдам,
Нозли қадам босиб, сопланиб тамтам,
Бошинг осмонларга етади кам-кам...
Шундоқ ёр умрингда бир бор учрасин!

Шарофнома

ЖАНГДАГИ ЖАСОРАТ

● Мен 1978 йилдан бери собиқ СССР Мудофаа вазирлиги Марказий архивида изчил изланиш олиб бориш натижасида 8 мингдан зиёд ўзбекистонлик жангчилар жасоратини ўрганишга, қарийб 34 минг ҳамюртларимиз дафн этилган жойларни аниқлашга муваффақ бўлдим.

Шароф Рашидов ҳам Улуғ Ватан уруши фронтида немис-фашист босқинчиларига қарши бўлган жангларда бошчилик қилган, жасорат кўрсатган ҳамюртларимиздан биридир. Марказий ҳужжатхонада сақланаётган ҳужжатлар орасидан у киши фаолиятига тааллуқли сиёсий ахборот ва мукофот варақасини иш дафтаримга ёзиб олганман. Бу ҳужжатларнинг нусхаларини шахсан Шароф аканинг ўзларига топширганман.

Ўшанда 1981 йилнинг июнь ойи эди. Марказий Комитет биносининг 6-қаватидаги иш хоналарига кириб борганимда Шароф Рашидович мени самимий кутиб олдилар.

Ҳужжатлар нусҳаларини топширар эканман, у киши: «Шиддатли ҳаёт-мамот жанглари давом этаётган мураккаб шароитда ҳам ҳужжатлар аслидагидек сақланиб қолган экан-да», — деб камтарлик қилдилар. Саминий суҳбатимиз ниҳоясига етгач, марҳумлар тақдирларини аниқлаш юзасидан олиб бораётган изланишларим учун сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этдилар.

Марказий архив 1771-фондининг 1-рўйхатидаги 4-делонинг 6-варағидаги сиёсий ахборотда сиёсий раҳбар лавозимига тайинлаш мақсадида ҳарбий хизматга чақирилган 15 кишидан бири Шароф Рашидовга ижобий баҳо берилган. Унда шундай дейилади:

«...1917 йилда туғилган. ВКП (б) аъзоси, олий маълумотли Рашидов Шароф илгари юқори комсомол раҳбарлик лавозимида ишлаган. Ҳарбий қисмда бўлган даврида ўзининг фаол ва вазмин киши эканлигини намойиш қилди».

Жангу жадал шароитида кўрсатилган жасорат учун «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланиш ҳуқуқи алоҳида ўқчи бригада, дивизия, корпус командирлари, армия ва фронт қўмондонларига берилган эди. Марказий архив 33-фондининг 682524-рўйхатидаги 25-делонинг 63-варағига Шароф Рашидовни «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги 1942 йил 28 август куни чиқарилган 304/Н номерли буйруққа эса Калинин фронти қўмондонининг шахсан ўзи имзо чеккан. Қуйида ўша буйруқни айнан келтираман:

«Рашидов Шароф — 1917 йилда туғилган, 2-гвардиячи ўқчи корпус таркибидаги 38-алоҳида ўқчи бригаданинг 3-алоҳида ўқчи батальони комсомол ташкилотининг масъул секретари, 1941 йилдан Қизил Армия сафида. Тошкент шаҳрининг Асака кўчасидаги 11-уйда яшаган.

Пекна ва Аринино қишлоқлари учун олиб борилган жангда алоҳида ўрнак кўрсатди. У батальон рота-ларидан бирида бўлганда, душман ўқи келиб тегиб, ҳам рота командири, ҳам рота сиёсий раҳбари сафдан чиқади. Ўртоқ Рашидов ротага командирлик қилишни ўз зиммасига олади. Ўз шахсий қаҳрамонлик ибрати билан рота жангчиларини қўмонданлик томонидан қўйилган жанговар вазифани муваффақиятли адо этишга руҳлантириб юборди. Ҳужум пайтида рота жангчиларининг олдида борди.

Шароф Рашидов шу жангда ярадор бўлди».

Ҳужжатларнинг мазмуни Ш. Рашидовнинг она-Ватан озодлиги ва мустақиллигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшганлигидан далолат бериб турибди.

Мажид САМАДОВ,
Улуғ Ватан уруши фахрийси, Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

● «МУСТАҚИЛЛИК—МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА

Халқимиз бағри қуёшдек иссиқ... В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

● «ШАРОФНОМА» ТУРКУМИДАН: «МУСТАҚИЛЛИК КУРТАКЛАРИ».

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЕЙДИ: «ТАҚЧИЛЛИККА КИМ АИБДОР?».

● «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

● «ЎРҒОЧИ ШАЙТОНЛАР» (СУД ОЧЕРКИ)

● «КАТТАЧИЛИК ҚУРСИН» (ФЕЛЬЕТОН).

ЗИЁРАТ ВА ТИЖОРАТ

ЕКИ МЕҲМОНДЎСТЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА

Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти шароитида серқуёш ўлкамизда туризм ва сайёҳлик тизимини янада ривожлантириш, бу соҳани бошқаришни такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорликка эришиш билан уни жаҳон меъёрларига мувофиқлаштириш зарур бўлиб қолмоқда. Шуни ҳисобга олиб, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил этилди. Хўш, эндиликда ушбу туризм Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш учун биринчи навбатда қандай тадбирларни амалга оширищи лозим!

Бу тадбирларни айтишдан олдин республика туризмининг аҳволига бир назар ташлаш жоиз. Ҳозир хорижий сайёҳлар Ўзбекистоннинг асосан бешта шаҳарини бориб кўришга иштиёқманд. Айниқса, Бухоро, Самарқанд, Хиванинг қадимий ва Тошкентнинг замонавий меъморчилик обидалари сайёҳларни оҳанрабо сингари ўзига жалб қилмоқда. Бундан ташқари Зарафшон воҳаси, Фарғона водийси ва Чирчиқ атрофидаги тарихий-маданий обидаларни зиёрат қилишни истаётганлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Бу иншоотларнинг барчаси Ўзбекларнинг кўп асрлик маданияти, анъаналари, урф-одатлари ҳақида жонли маълумот берувчи тарихий манбалар ҳисобланади. Ҳозир Ўзбекистонда 45 мингдан зиёд бундай иншоотлар мавжуд. Уларнинг 7 мингини сайёҳлар йилнинг тўрт фаслида ҳам бориб кўришади.

Республикамизда шу йилнинг ўтган ойлари давомида сайёҳлик хизмати кўрсатишнинг умумий ҳажми қарийб 700 миллион сўмни ташкил этди. Ўтган йили эса Ўзбекистонга 151 мингдан зиёд сайёҳ келиб-кетди. Кейинги пайтда собиқ Иттифоқдаги сиёсий беқарорлик туфайли ўлкамизга келаётган сайёҳлар сони ҳам кескин камайди.

Ўзбекистонда 20 дан зиёд меҳмонхона сайёҳларга хизмат кўрсатяпти. Бироқ шуни айтиш керакки, бу меҳмонхоналар орасида жаҳон талабларига мос тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналар йўқ. Кейинги пайтда туризм билан кўпгина ташкилотлар шуғулланяпти. Биргина Тошкентнинг ўзида 200 дан зиёд фирма сайёҳларни қабул қилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида тижорат туризми ҳам кенг ривожланяпти. Ишбилармонлар учун туристик хизмат фирмалари ташкил этилмоқда. Бироқ бу соҳада ҳали кўплаб муаммолар мавжуд. Бизда туризмни ривожлантириш бўйича ижтимоий-иқтисодий йўналишлар бўйича иш олиб борилгани йўқ ҳисоби.

Эндиликда бу борада бизга хориж тажрибаси қўл келиши табиий. Жаҳон етакчи мутахассисларининг фикрича, ривожланаётган мамлакатларда туризм соҳасини тараққий эттиришнинг турли иқтисодий андозалари мавжуд. Булар марказлашган, бозор ва монетар андозалардир. Туризм соҳасини ривожлантиришнинг бозор андозаси талаб ва истакларга мос бўлиб, сайёҳлик хизматларининг кўплаб турини қамраб олади.

Бироқ жаҳоннинг бир қатор ривожланган мамлакатларида туризмни тараққий эттириш учун монетар андозадан фойдаланишга кўпроқ эътибор беришади. Бунда молия-кредит механизмини бошқариб туриш орқали туризмнинг иқтисодий самарадорлиги таъминланади. Ҳозир Франция, Италия, Туркия ва бошқа бир қатор мамлакатлар халқаро туризмни ривожлантиришнинг монетар концепциясини кенг қўллашади. Бунинг натижасида эса ушбу мамлакатлар катта миқдорда валюта маблағлари ишлаб олишади.

«Ўзбектуризм» компанияси ташкил этилгани бизда ҳам бу соҳада силжишлар рўй бераётганидан далолатдир. Эндиликда ушбу компанияни бошқаришнинг муайян тизимини ташкил этиш керакки, токи бу тизим бозор иқтисодиёти шароитида халқаро туризм соҳаси талабларига тўлиқ жавоб берсин.

Эндиликда чет эл сармояси ва технологиясини туризм соҳасига жалб қилишнинг мақсадли комплекс дастурини ишлаб чиққан маъқул. Хориждан олинган ёрдам ҳисобига юқори даражали меҳмонхоналар, кемпинглар ва бошқа сайёҳлик иншоотлари барпо этилиши керак. Бундан ташқари, чет эл сармояси ёрдамида ўзимиздаги тарихий-меъморчилик иншоотларини қайта таъмирлашни амалга ошириш лозим.

Республикада туризмни ривожлантиришнинг монетар концепциясини амалга ошириш учун бир қатор молиявий-кредит механизмларидан фойдаланиш мумкин. Бу туризм соҳасида кескин ўзгаришлар ясайди. Фикримча, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун даставвал бир қатор тадбирларни амалга ошириш керак. Жумладан, республика, қолаверса чет мамлакатлар олий ўқув юртларида иқтисодиёт ва туризмни ташкил этиш бўйича малакали мутахассислар тайёрлашга эътиборни қаратиш лозим.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун 50 фоиздан зиёд туризм иншоотларини хусусийлаштириш керак. Агар шундай қилинса, туризм соҳасида бозор муносабатлари ривожланишига имкониятлар очилади ҳамда турли хил сайёҳлик фирмалари ўртасида рақобат кучаяди. Энг муҳими эса сайёҳларга хизмат қилиш сифати тубдан яхшиланади.

Янги ташкил этилган туризм компанияси саёҳат бўйича узоқни кўзлаган ҳолда тадбирлар ишлаб чиқиши керак. Шундай қилинса, Ўзбекистонда туристик инфраструктуранинг монетар бозор андозасига асос солинади. Дарҳақиқат, бизнинг республикамизда туризмни ривожлантиришдан катта иқтисодий самара кўриш мумкин. Чунки, биз туризм орқали кўпроқ валюта маблағлари ишлаб олиш имкониятига эгамиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, кўпгина ривожланган мамлакатларда туризмни ривожлантиришдан катта миқдорда валюта тушумлари йиғилади. Масалан, Туркияда ҳар йили туризмни ривожлантиришдан 5-10 миллиард доллар маблағ йиғилса, четга маҳсулот экспорт қилишдан фақат 1-2 миллиард фойда кўрилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2005 йилга бориб, Ўзбекистонда туризм соҳасини бозор муносабатлари асосида ривожлантиришдан йилига икки миллиарддан зиёд валюта маблағлари тўплаш мумкин экан. Бу республикада бозор иқтисодиёти инфраструктурасини шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб қолиши керак.

Ўрта Осиё давлатлари ичида Ўзбекистоннинг хорижий туризмни ривожлантиришдаги истиқболи порлоқ. Чунки, Бухоро, Самарқанд ва Хива сингари шаҳарларимиз жаҳон халқлари ўртасида қизиқиш уйғотадиган туристик марказлардан ҳисобланади. Шу боис, эндиликда Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги сайёҳлик иншоотларини реклама қилишни кучайтириш лозим. Кучли реклама бўлмаса, хорижий туристларни Ўзбекистонга жалб қилиш осон кечмайди.

Т. ТОШМУРОДОВ.
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети халқаро туризм кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.



Хива — очиқ музейлар шаҳри. В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ШИФОКОРЛАР СИНОВДАН ЎТДИЛАР

14-кўп тармоқли шаҳар болалар шифохонасида шаҳар касалхоналари ва тиббиёт муассасалари болалар шифокорларининг аттестация синови бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Ризаев, республикамизнинг бир қанча тиббиёт илмий-текшириш институтлари етакчи мутахассислари иштирок этдилар. Синов қизғин баҳслар ва долзарб савол-жавоблар асосида ўтди.

Д. САЪДУЛЛАЕВА,
шаҳар саломатлик марказининг ходими.

Суратда: синов пайти акс этган.

В. КУДРЯШОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

УЧҚУДУҚДА ЯНГИ ХЎЖАЛИК

Райондаги «Мингбулоқ» ва Гагарин номли давлат хўжаликларининг яйловлари 1,5 миллион гектардан ортиқ. Бу эса олис ўтов ва овулларга боришни, чўпончўлиқларга намунали хизмат кўрсатишни қийинлаштиради.

Айниқса, хўжалик марказидан 200—250 километр наридаги отарларни сув, омухта ем билан таъминлаш ниҳоятда оғир кечарди. Ана шуни эътиборга олиб, вилоят ҳокимлиги ҳар икки хўжалик ҳудудидан қисқартириб, янги хўжалик ташкил этиш керак, деган хулосага келди. Натижада Қизилқум сарҳадларида янги «Бакантов» қорақўлчилик хўжалиги ташкил этилди. Мавжуд 3 та ферма ва юзлаб отарлари бўлган бу кенжа хўжаликда ҳозир 38 минг бош қўй, 2 мингга яқин йилқи ва туялар боқиляпти. Энди қўйчивонлар ҳар қандай муаммони ўзларига яқин бўлган хўжалик маъмурий идорасида ҳал қилишади.

«ГИГАНТ»НИНГ ЎЗ ЗАВОДИ БОР

● Навбаҳор районидаги «Гигант» давлат хўжалигида пишиб етилган сабзавот маҳсулотларини, айниқса помидорни териб топшириш машаққат эди.

Аҳири хўжалик раҳбарлари консерва заводи қуриш, ўзлари етиштирган маҳсулотни ўзлари қайта ишлашни зарур, деб топишди. Бу хайрли ишга хўжалик директори, Ўзбекистон халқ депутати Тошпўлат Болтаев бел боғлади. Йўқ, югурган қуруқ қолмас экан. Мана қисқа вақт ичида хўжаликда ҳар йили 3 миллион шартли банка консерва тайёрлашга мўлжалланган ихчам завод қуриб, ишга туширилди. Айни пайтда уни хўжаликда беиш юрган хотин-қизлар самарали меҳнат қиляпти. Сабзавот маҳсулотлари нест-нобуд бўлмаётир. Ҳозир завод нафақат помидордан томат пастаси ёки шарбати ишлаб чиқармасдан балки, сабзи мурабболари, шарбатли ичимликлар ҳам тайёрламоқда. Иш маромини шунинг кўрсатаяптики, завод шу йилнинг ўзидаёқ хўжаликка 5 миллион сўм атрофида соф фойда келтиради. Ишбилармонлик, деб шунга айтсалар керак-да!

М. ШАРОПОВ.

ҚИШЛОҚДА ШАКАР ЗАВОДИ

● Қарши районидаги Собир Раҳимов номли совхозининг Лаганди қишлоғида шакар ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилди. Ускуна, жиҳозлар Италия ва Германиядан келтирилиб монтаж қилинди.

Корхона ишлаб чиқариш учун сарфланадиган хом ашё давлат хўжалигининг ўзида яратилди. 8 гектар ерда шакар қамиш, 7 гектар ерда қанд лавлаги етиштирилиб ғамлаб қўйилди.

Завод тўлиқ ишга тушгач қишлоқда 20 га яқин киши иш билан таъминланади. Корхона ҳозирча сменада 1 тоннагача шакар тайёрлаяпти.

М. КАРОМОВ.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА



ЎЗБЕКИСТОН ҳаво йўллари

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ АВИАЧИПТАЛАРНИ ОЛДИНДАН ҲОЗИРЛАШ ВА СОТИШ КОМПЛЕКСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ

ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида келишилган шартномага мувофиқ

1992 ЙИЛНИНГ 30 НОЯБРИДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТ—ПЕКИН—ТОШКЕНТ

ҲАВО ЙЎЛИ ОЧИЛАДИ.

Бу маршрут бўйлаб маҳаллий вақт жадвалига кўра ҳафтанинг биринчи кунлари «ТУ—154» самолёти НУ—205 рейси бўйича мунтазам қатнайди.

ТОШКЕНТДАН ЖЎНАШ ВАҚТИ 07.00.

УРУМЧИГА ҚЎНИШ ВАҚТИ 09.40.

УРУМЧИДАН ЖЎНАШ ВАҚТИ 11.10.

ПЕКИНГА КЕЛИШ ВАҚТИ 14.40.

НУ—206 рейси ҳафтанинг иккинчи кунлари бўйича қатнайди.

ПЕКИНДАН ЖЎНАШ ВАҚТИ 06.40.

УРУМЧИГА ҚЎНИШ ВАҚТИ 10.30.

УРУМЧИДАН ЖЎНАШ ВАҚТИ 12.00.

ТОШКЕНТГА КЕЛИШ ВАҚТИ 14.20.

● Бу маршрут бўйлаб сафарга ишбилармон кишилар ва саёҳатчиларни таклиф этамиз.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

РН—62 ОСМА ЮМШАТГИЧИ— БУ ЕР ОСТИ ҚАТЛАМИ ТАРКИБИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН СИЗГА КЕРАКЛИ ВА ҚУЛАЙ ВОСИТА.

РН—турли хил тупроқ қатламларида ишлайолади. У бир йўла 2,5 метр кенгликда ва 0,55 метр чуқурликдаги тупроқни юмшата олади. РН—62 конструкциясининг оддийлиги ва мустаҳкамлиги мелиорациянинг иқтисодий ва ишончли техник воситасидир.

РН—62 ОСМА ТУПРОҚ ЮМШАТГИЧИ СИЗНИНГ ОҒИРИНГИЗНИ ЕНГИЛ ҚИЛАДИ.

УНИ САНИИРИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Сиз ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: 700187. Тошкент шаҳри, Қорасув массиви—4, 11-уй.

Телефон: (3712) 65-09-56.

Телетайп: 116294.

ДРЕНАЖ. Телекс: 116199.

«RUSLO»

САНИИРИ ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

УРТА ОСИЁДА ЯГОНА

«ЎЗАГРОСАНТЕХГАЗМОНТАЖ» ТРЕСТИГА ҚАРАШЛИ АНДИЖОН ШАҲАР

«КАРБИД» КИЧИК КОРХОНАСИ

КАРБИД-КАЛЬЦИЯНИ КЕРАКЛИ МИҚДОРДА

СОТАДИ

Карбид-кальция 100 фоиз ҳақ тўлангандан сўнг берилади.

Ҳақ нақд пул тўлаш ёки ташкилот ҳисобига пул ўтказиш йўли билан олинади.

Шунингдек «Карбид» кичик корхонаси ўз маҳсулотига эҳтиёж сезган корхоналар билан 1993 йил учун шартнома тузади.

Манзилгоҳимиз: Андижон вилояти, Андижон райони, Хакан саноат зонаси «Карбид» кичик корхонаси.

Телефонлар: (8-37422) 5-64-25, 5-11-87, 6-47-47.

Соат 19.00 дан кейин мурожаат қилинсин.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент шаҳар, С. Раҳимов район, Собир Раҳимов номли 133-ўрта мактаб жамоаси мактабнинг собиқ рус тили ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси

Муҳаббат Акбаровна АМИНОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Жумҳурияти Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзменасабзавотузумсаноати» концерни жамоаси концернинг масъул ходими А. А. Кимга қуёви

ВАЛЕРИйнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Тинчлик ва тотувлик кенгаши шу кенгаш раисининг биринчи ўринбосари

Исмоил Солиҳович ТУЙЧИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт—33-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: З. ҲАЙДАРОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вакти — 21.00 Топширилди—20.20. Г—453. № 229. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12